



„24“ октябрь 2017 й. г. № 870

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг  
Давлат молиявий назорати бош бошқармаси тўғрисидаги  
низомни тасдиқлаш хақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тиббиёт ва таълим муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сон қарори ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 3-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
4. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-хуқукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Кўчкоров ва молия вазири Б.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 24 октябрдаги 870-сон карорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг  
Давлат молиявий назорати бош бошқармаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси (кейинги ўринларда Бош бошқарма деб аталади) ва унинг худудий бошқармаларининг мақомини, вазифалари ва функцияларини, хуқуқлари ва жавобгарлигини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бош бошқарма молиявий хуқуқбузарликлар профилактикасини, бюджет тизими бюджетлари маблағлари мақсадли сарфланишини, молиявий назорат обьектлари томонидан бюджет қонунчилигига, шунингдек бюджет ва смета-штат интизомига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи давлат молиявий назорат органи ҳисобланади.

3. Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Бюджет кодекси ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек бошқа қонун хужжатларига амал қиласиди.

4. Бош бошқарманинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Бош бошқарма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига бўйсунади ва ҳисобот беради.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат молиявий назорати бошқармалари (кейинги ўринларда худудий бошқармалар деб аталади) ўз фаолиятида бевосита Бош бошқармага бўйсунадилар ва ҳисобот берадилар.

6. Бош бошқарманинг худудий бошқармалари юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва давлат тилида ўз номи ёзилган муҳрга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилигига ғазна ҳисобваракларига эга бўлади.

**2-боб. Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармаларининг  
вазифалари ва функциялари**

7. Куйидагилар Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармаларининг вазифалари ҳисобланади:

бюджет ташкилотларида бюджет маблағларини бошқариш ва бюджет ҳисобини юритиш бўйича маҳсус автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлар воситасида бюджет ташкилотларининг молиявий фаолиятини доимий мониторинг қилиш;

бюджет қонунчилигига риоя этиш бўйича бюджет ташкилотлари билан тизимли асосда профилактика ишларини олиб бориши;

бюджет ташкилотларида аниқланаётган пул маблағлари ва моддий бойликларни талон-торож қилиш, камомадларга йўл қўйиш, харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда ижро этиш тартибини бузиш ва бюджет қонунчилигини бошқача тарзда бузиш ҳолатларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни содир этиш шарт-шароитларини бартараф қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиши;

масофавий назоратни кенг кўламда қўллаш, замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида текшириш обьектлари ва мақсадларини аниқлаш йўли билан кам самарали тафтишларни қисқартириш билан бир вақтда бюджет ташкилотларини текшириш самарадорлигини ошириши;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланишда бюджет қонунчилигига ҳамда бюджет ва смета-штат интизомига риоя этилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган кредитлардан (қарзлардан), шунингдек инсонпарварлик ёрдами ва техник қўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш;

давлат мақсадли ва бошқа жамғармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бошқа жамғармалар маблағларидан фойдаланишда қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши ҳамда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;

молия инспектори лавозими жорий этилган ташкилотларда акциз солиғини тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши юзасидан назорат ўрнатиши.

8. Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармалари ўзларига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни бажаради:

*а) бюджет ташкилотларида бюджет маблағларини бошқарши ва бюджет ҳисобини юритши бўйича маҳсус автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлар воситасида бюджет ташкилотларининг молиявий фаолиятини доимий мониторинг қилиши соҳасида:*

харажатлар сметасига киритилган бюджетдан ажратиладиган маблағларни ҳаққонийлиги ва уларни амалдаги нормативларга мувофиқлиги юзасидан дастлабки назоратни ўтказиш;

мехнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақига қўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя этилиши устидан дастлабки назоратни амалга ошириш;

ходимларнинг белгилаб кўйилган чекланган умумий сонига, ходимларнинг тоифалари ўртасидаги ўзаро нисбат нормативларига, намунавий штат нормативларига риоя этилиши юзасидан дастлабки назоратни амалга ошириш;

тарификация рўйхатларини тузишнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартиби ва нормативларига риоя этилиши юзасидан дастлабки назоратни ўтказиш;

*б) бюджет қонунчилигига риоя этиши бўйича бюджет ташкилотлари билан тизими асосда профилактика ишларини олиб бориши соҳасида:*

бюджет тизими бюджетлари харажатларини режалаштириш даврида профилактика ишларини кучайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш;

электрон тарзда бюджет тизими бюджетлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги жамғармалар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадди молиялаштириш жамғармаси маблағларининг ҳаракати тўғрисида тегишли манбалардан олинадиган маълумотларни таҳлил қилиш асосида молиявий ҳуқуқбузарликларни содир этилиши хавфи мавжуд бўлган молиявий назорат обьектида профилактика ишларини олиб бориш;

худудий молия органлари ва газначилик бўлинмаларида бюджет қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш юзасидан профилактика ишларини олиб бориш;

*в) бюджет ташкилотларида аниқланаётган тул маблағлари ва моддий бойликларни талон-торож қилиши, камомадларга йўл қўйши, харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларини тузши, тасдиқлаши ҳамда ижро этиши тартибини бузши ва бюджет қонунчилигини бошқача тарзда бузши ҳолатларини чукур таҳлил қилиши ва уларни содир этиши шарт-шароитларини бартараф қилиши бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиши соҳасида:*

молиявий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини олиб бориш учун маълумотлар базасини шакллантириш, умумлаштириш ва ҳисобини юритиши;

бюджет тизими бюджетлари ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги жамғармалар маблағларидан фойдаланишда масофадан кузатиш тизимини ва камерал назоратни жорий этиш орқали текширишлар самарадорлигини ошириш;

молиявий назорат ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ҳамда усуулларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

аниқланаётган тизимли ва характерли молиявий ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш юзасидан Давлат молиявий назоратини такомиллаштириш бўйича идоралараро кенгашга тегишли таклифлар киритиш;

*г) масофавий назоратни кенг кўламда қўллаш, замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида текшириши обьектлари ва мақсадларини аниқлаш йўли билан кам самарали тафтишларни қисқартириши билан бир вақтда бюджет ташкилотларини текшириши самарадорлигини ошириши соҳасида:*

бир ҳудуд ёки соҳада аниқланган характерли молиявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан республика ҳудудидаги назорат обьектларида тизимли текширишларни ўтказиш;

молиявий хукуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон яратувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича молиявий назорат объектларига тақдимномалар киритиш;

бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва мақбуллаштириш бўйича таҳлилий ишларни амалга ошириш ҳамда тегишли таклифлар ишлаб чиқиш;

д) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланишида бюджет қонунчилигига ҳамда бюджет ва смета-штат интизомига риоя этилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириши соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан мақсадли фойдаланилишида бюджет ва смета-штат интизомига риоя этилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш;

давлат инвестиция дастурларини амалга ошириш учун марказлашган манбалардан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш;

ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўловлари учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик муассасалари томонидан чет эл валютасидаги маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш;

бюджет ссудаларидан мақсадли фойдаланилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибига риоя этилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

давлат харидлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларининг аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган бузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан назорат тартибидаги текширишларни ташкил этиш;

давлат назорати ҳужжатларини умумлаштириш, улар юзасидан тегишли ахборотлар ва таклифлар тайёрлаш;

давлат молиявий назорати натижаларида аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш, мақсадсиз ва ноқонуний харажатларни, пул маблағлари ва товар-моддий бойликлар камомадини ундириш, назорат обьекти айбордor шахсларини жавобгарликка тортиш юзасидан тақдимномалар тайёрлаш;

назорат тадбирларини мувофиқлаштириш ва услубий жиҳатдан таъминлаш;

маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш, қонунда кўзда тутилган маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этилишини ташкиллаштириш;

давлат молиявий назорати натижалари бўйича хуқукни муҳофаза килувчи органларга топширилган материаллар харакатини мониторинг килиш;

*e) Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган кредитлардан (қарзлардан), шунингдек инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш соҳасида:*

Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган кредитлардан (қарзлардан) ва кредит линияларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш;

инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш;

инвестиция лойихалари учун бюджет тизими бюджетлари ҳамда грант маблағлари хисобидан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, лойиха-смета хужжатларига риоя этилиши устидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

*ж) давлат мақсадли ва бошқа жамғармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғармалар маблағларидан фойдаланишида қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш соҳасида:*

давлат мақсадли жамғармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғармалар маблағларидан фойдаланилиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва унинг таркибидаги ташкилотларни сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасидан ажратилган маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари хисобидан буюртмачи-ташкилотларга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг маблағлари хисобидан йўл ва бошқа обьектларда бажарилган қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва эксплуатация (жорий таъмирлаш, сақлаш, қиши мавсумида сақлаш ва кўкаламзорлаштириш) ишлари ҳажмлари хисботларда ва ҳақиқий харажатлар бухгалтерия хужжатларида тўғри акс эттирилганлиги, шунингдек хом-ашё ва бошқа материалларни амалдаги нормативларга асосан ҳисобдан чиқарилишини текшириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан буюртмачи-ташкилотни сақлаш учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш;

мелиоратив дастур доирасида сугориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари учун ажратилган маблағларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларига мақсадли сарфланиши ҳамда бажарилган ишлар ҳажмларини хисботларда ва ҳақиқий харажатларини бухгалтерия хужжатларида тўғри акс эттирилганлиги юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг мелиоратив техникасини сотиб олиш учун ажратилган (узоқ муддатли имтиёзли лизинг, қарз) маблағларидан мақсадли фойдаланишини текшириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини мақсадли сарфланиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш;

фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тўғри тайинланиши, хисобланиши, ўз вақтида молиялаштирилиши ва тўланиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш;

ташкилий-хукукий шаклидан қатъий назар ташкилотлардаги фуқароларнинг пенсия йиғмажилларида мавжуд бўлган иш стажини тасдиқловчи ва иш ҳаки тўғрисидаги ҳужжатлар тўғрилиги ва ҳаққонийлигини текшириш;

тиббий-мехнат эксперт комиссиялари хизмати фаолиятини назорат қилиш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобваракларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши, ўз вақтида тўланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки ва унинг филиалларида фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобваракларидаги маблағларидан мақсадли фойдаланилиши ҳамда фоизлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини мақсадли сарфланиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат хариди учун қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қишлоқ ҳўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси маблағларининг ҳисобкитобларга асосланган ҳолда тўлиқ ва ўз вақтида ўтиши ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси, Республика мақсадли китоб жамғармаси, “Соф ичимлик суви” жамғармаси ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа жамғармалар маблағларини мақсадли сарфланиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш;

*3) ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши ҳамда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларига риоя этилишини таъминлаш соҳасида:*

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек молиявий назорат объектларининг (давлат молиявий назорати натижалари бўйича эътиrozлар) мурожаатларини кўриб чиқиш (ўрганиш ва текшириш);

келиб тушган ва кўриб чиқилган (ўрганилган, текширилган) мурожаатларини умумлаштириш, таҳлил қилиш ва уларнинг натижалари бўйича тегишли чоралар кўриш;

*и) молия инспектори лавозими жорий этилган корхоналарда акциз солигини тўғри ҳисобланиши ва ўз вактида тўланиши юзасидан назорат ўрнатиш соҳасида:*

молия инспекторлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан рўйхати тасдикланадиган корхоналарда алоҳида маҳсулот турлари бўйича акциз солигини тўғри ҳисобланиши ва ўз вактида тўланишини назорат қилиш;

акциз солиги тўланадиган айрим турдаги товарларнинг акциз маркалари билан тўлиқ маркаланиши ва олинган акциз маркалари сонининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига мувофиқлигини таққослаб бориш;

акциз солиги солинадиган айрим турдаги маҳсулотларни сотилиши бўйича белгиланган тартибларга амал қилиниши юзасидан назорат ўрнатиш;

ҳар ойда акциз маркаларининг ҳақиқатда мавжудлигини хатлаш, шикастланган акциз маркаларини йўқотишга топширишдан олдин уларни сонини бухгалтерия ҳисботларига мувофиқлигини ўрганиш;

ҳақи олдиндан тўланмаган маҳсулотни истеъмолчига юклаб жўнатилиши, акциз солиги бўйича ҳисбот бузиб кўрсатилиши, акциз солиги ҳисобланиши ва тўланиши ҳамда акциз маркалари билан маркалаш тартибини бузилиши, ўсимлик ёғи корхоналарида тайёр маҳсулот чиқишининг белгиланган нормативлари бажарилмаслиги ҳоллари тўғрисида тегишли чора-тадбирлар кўриш учун ваколатли органларни тезкор хабардор қилиш.

Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

### **3-боб. Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармаларининг ҳукуқлари ва жавобгарлиги**

9. Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармалари ўзларига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги ҳукуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, банклардан, ғазначилик бўлинмаларидан, шунингдек бошқа ташкилотлардан давлат молиявий назоратини амалга ошириш юзасидан зарур бўлган маълумотларни сўраш ва олиш;

назорат обьектларининг электрон маълумотлар базаси ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш;

бошқа давлат молиявий назорат органлари, вазирлик ва идораларнинг ички аудит ва молиявий назорат хизматлари билан ахборот алмашиш;

Ғазначилик бўлинмаларидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларидан бюджет тизими бюджетлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қишлоқ хўжалигини техника билан жихозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси, Молия вазирлиги хузуридаги жамғармалар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа жамғармалар маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотлар сўраш ва олиш;

ёзма сўров асосида давлат молиявий назорати соҳасида Бош бошқармага юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган банк ва тижорат сирини ташкил этувчи бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ҳақидаги маълумотларни олиш;

Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки филиалларидан фуқароларнинг шахсий жамғарив бориладиган пенсия ҳисобваракларига келиб тушган пенсия бадаллари тўғрисида маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат харидлари бўйича савдоларни ўтказувчи ташкилот ва муассасаларнинг маҳсус ахборот порталидан (ёпиқ қисмидан) фойдаланиш;

давлат молиявий назоратини амалга оширишда маҳсус касбий билимларни талаб этадиган масалаларни кўриб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мутахассисларини эксперт сифатида жалб этиш;

назорат обьектининг мансабдор ва бошқа масъул шахслардан молиявий назорат тадбири жараёнида пайдо бўладиган масалалар бўйича тушунтиришлар беришни талаб қилиш;

назорат обьекти мансабдор ва бошқа масъул шахсларининг тушунтиришлар бериш ва назорат тадбири натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатларни имзолашдан бош тортганликлари тўғрисидаги далолатномани тузиш;

зарур ҳолларда, касса ва касса бинолари, омборлар, архивлар ва бошқа биноларни муҳрлаш, қалбакилаштириш, сохталаштириш ва бошқа систеъмолликлар аломатлари аниқланган тақдирда эса назорат обьекти тегишли ҳужжатларини олиб қўйиш, шунингдек назорат обьекти мансабдор шахсларидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни хатловдан ўтказилишини талаб қилиш;

давлат молиявий назоратини амалга ошириш жараёнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш, мақсадсиз ва ноқонуний ҳаражатларни, пул маблағлари ва товар-моддий бойликлар камомадини ундириш, назорат обьекти айбдор шахсларини жавобгарликка тортиш юзасидан мажбурий тусга эга тақдимномалар киритиш.

Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бошқармалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бошқармалари қуйидагиларга мажбур:

ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни сифатли бажариш;

давлат молиявий назорати натижаларига доир ҳужжатларда баён этилган маълумотларнинг ишончлилиги, холислиги ва тўлиқлигини таъминлаш;

давлат сирларининг ҳамда назорат обьектларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ҳудудий бошқармалар томонидан аниқланган характерли ҳуқуқбузарликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош бошқармани хабардор қилиш.

#### **4-боб. Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини ташкил этиш**

11. Бош бошқармага Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қиласи.

Бош бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

12. Бош бошқарма ходимлари ва худудий бошқармалар бошлиқлари Бош бошқарма бошлиғининг тавсияномасига кўра Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Худудий бошқармалар бошлиғи ўринбосарлари – бўлим бошлиқлари, бош молия инспекторлари ва молия инспекторлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан Бош бошқарманинг худудий бошқармалари бошлиғи тавсияномаси билан Бош бошқарма бошлиғи билан келишилган ҳолда тайинланади.

Худудий бошқармалар бўлим бошлиқлари худудий бошқарма бошлиғи томонидан Бош бошқарма бошлиғи билан келишилган ҳолда тайинланади лавозимидан озод этилади.

#### 13. Бош бошқарма бошлиғи:

Бош бошқарма фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармалари ходимларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги раҳбариятига Бош бошқармага Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ва бошқа ишга ўтказиш, ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жазолар қўллаш бўйича таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги раҳбариятига Бош бошқарманинг худудий бошқармалари бошлиқларини рағбатлантириш ва интизомий жазолар қўллаш бўйича таклифлар киритади;

Бош бошқарманинг худудий бошқармалари фаолияти устидан ташкилий ва услубий раҳбарликни ҳамда назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бош бошқарма бошлиғи унга юклатилган вазифа ва функцияларни бажарилиши юзасидан шахсан жавобгар бўлади.

Бош бошқарма бошлиғи биринчи ўринбосари ва ўринбосарларининг функционал вазифалари қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан белгиланади.

#### 14. Худудий бошқармалар бошлиқлари:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги раҳбариятига Бош бошқарманинг худудий бошқармалари бошлиғи ўринбосарлари-бўлим бошлиқлари, бош молия инспекторлари ва молия инспекторларини ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ва ишдан ишга ўтказиш бўйича таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексига мувофиқ Бош бошқарманинг худудий бошқармалари ходимларини рағбатлантириш ва уларга интизомий жазолар қўллаш ҳамда хизмат сафарларига юбориш тўғрисида буйруқлар чиқаради;

хатлар ва хизмат гувоҳномалари, шунингдек молиявий назоратни ўтказиш хуқуқини берувчи бир марталик гувоҳномалар ва буйруқларни имзолайди;

бошқарма ишларини ташкил этиш ва бошқариш, ўзининг ваколати доирасида бошкарма ходимларига бажарилиши мажбурий бўлган буйруклар чиқаради, уларни ишга тайинлайди, ишдан ишга кўчиради ва эгаллаб турган лавозимидан озод этади (бошлиқ ўринбосарлари – бўлим бошликлари, бўлим бошликлари, бош молия инспекторлари ва молия инспекторлари бундан мустасно);

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Худудий бошқармалар бошликлари уларга юклатилган вазифа ва функцияларни бажарилиши юзасидан шахсан жавобгар бўладилар.

15. Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармалари ўз ишларини тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси молия вазири ва Бош бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган йиллик назорат режаси асосида амалга оширади.

Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармалари қонун ҳужжатларидаги назарда тутилган ҳолларда режадан ташқари молиявий назоратни амалга ошириши мумкин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан рўйхати тасдиқланган корхоналарда (этил спирти ва алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар бундан мустасно) молия инспекторлари лавозими жорий этилади.

Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарга молия инспектори лавозими этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар чиқаришга лицензия берилишига қараб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Бош бошқарманинг худудий бошқармалари тавсияномасига мувофиқ жорий этилади, лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганда ёхуд бекор қилинганда ушбу лавозим тутатилади.

Бош молия инспекторлари ва молия инспекторлари Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармалари таркибида фаолият юритади, улар билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилади. Шартнома муддати тугаши билан меҳнат шартномаси қонун ҳужжатларига мувофиқ янги муддатга қайта тузилиши мумкин.

17. Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармалари ходимлари (молиявий назорат функцияси юклатилмаган ходимлар ҳамда молия инспекторлари бундан мустасно) аттестацияси ҳар 3 йилда ўтказилади.

## **5-боб. Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармалари ходимларининг иш ҳақи ва уларни моддий рағбатлантириш**

18. Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармалари моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикаси молия тизими ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ривожлантириш жамғармаси ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

19. Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармалари ходимларига тасдиқланган ҳаражатлар сметасида иқтисод бўлган иш ҳақи фонди доирасида соғлик учун хавфлилик белгиланган назорат обьектларида ўтказилган назорат тадбирлари даврига Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармалари ходимларига уларнинг лавозим маошига назорат обьектининг молия-иктисод ходимларига белгиланган миқдорда кўшимча тўловлар тўланади.

20. Бош бошқарма ва унинг худудий бошқармалари ходимларига уларнинг ўз фаолиятида хизмат вазифаларини вижданан ва ташаббускорлик билан

бажарганлиги ҳамда ишдаги юксак ютуклари учун бир йўла тўланадиган мукофот тўловлари Ўзбекистон Республикаси молия тизими ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ривожлантириш жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилади.

#### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Молиявий назорат обьектларининг мансабдор шахслари Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари томонидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга мажбурдирлар.

Молия инспекторлари лавозимлари жорий этиладиган корхоналар томонидан молия инспекторлари фаолиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар билан таъминланади.

22. Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бошқармаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ кўрсатма ва тақдимномаларини бажармаслик, маълумот тақдим этмаслик ёхуд била туриб нотўғри маълумотларни тақдим этиш, ҳамда уларга ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатиш тақиқланади ва қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 24 октябрдаги 870-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг  
айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартиришлар**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджетга акциз солиги тушишини назорат қилувчи молия инспекторлари лавозимларини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 26 ноябрдаги 418-сон қарорида:

- а) 1-банддан «1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича» сўзлари чиқариб ташлансин;
- б) 3-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;
- в) 4-банддаги «1-иловада кўрсатиб ўтилган» сўзлари «Молия инспектори лавозимлари жорий этиладиган» сўзлари билан алмаштирилсин;
- г) 1-илова ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 23 декабрдаги 532-сон қарорида:

- а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
  - 2. «Ўзпахтаёғ» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзнефтмаҳсулот» АЖ нинг таркибиға кирувчи иловага мувофиқ айрим корхоналарда ҳамда этил спирти ва алкоголи маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган корхоналарда (узум ва меваларни дастлабки қайта ишловчи корхоналардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия инспекторлари лавозими жорий этилсин»;
  - б) 3-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин;
  - в) 4-банднинг бешинчи хатбоиси чиқариб ташлансин;
  - г) 1-илованинг рус тилидаги матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Приложение**  
к постановлению Кабинета Министров  
от 23 декабря 1998 г. № 532

**ПЕРЕЧЕНЬ  
предприятий, на которых вводятся должности  
финансовых инспекторов**

**I. Предприятия,  
входящие в состав АО «Узпахтаёғ»**

**Республика Каракалпакстан**  
1. АО «Ёггар»

2. АО «Турон-Хожели»

**Андижанская область**

3. АО «Андижон ёғ мой»  
4. АО «Асака ёғ»

**Бухарская область**

5. АО «Когон ёғ-экстракция»  
6. ООО «Евроснар»

**Джизакская область**

7. ООО «Бўстон олами»  
8. ООО «Нурли-дон»

**Кашкадарьинская область**

9. АО «Косон ёғ-экстракция»  
10. АО «Қарши ёғ-экстракция»

**Навоинская область**

11. ООО «Вангози агро-экспорт»  
12. ООО «Континент-Н ёғ-мой»

**Наманганская область**

13. АО «Учқўрғон ёғ»  
14. ООО «Наманган тола-текстил»

**Самаркандская область**

15. АО «Каттақўрғон ёғ-мой»

**Сурхандарьинская область**

16. АО «Сурхонозиқовқатсаноати»  
17. СП ООО «АгроХизмат Шиндонг»

**Сырдарьинская область**

18. АО «Гулистон экстракт-ёғ»

**Ташкентская область**

19. АО «Янгийўл ёғ-мой»

**Ферганская область**

20. АО «Фаргона ёғ мой»  
21. АО «Қўқон ёғ-мой»

**Хорезмская область**

22. АО «Урганч ёғ-мой»

**город Ташкент**

23. АО «Ташкент ёғ-мой комбинати»

**II. Предприятия,  
входящие в состав АО «Узбекнефтгаз»**

**Кашкадарьинская область**

1. ООО «Муборакнефтгаз»
2. ООО «Шўртнанефтгаз»

**город Ташкент**

3. АО «Узтрансгаз»

**Хорезмская область**

4. УП «Урганчтрансгаз»

**Бухарская область**

5. ООО «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи»

**Ферганская область**

6. ООО «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи»

**Ташкентская область**

7. ООО «Чиноз нефтни қайта ишлаш заводи»

**III. Предприятия,  
входящие в состав АО «Узнефтпродукт»**

**Республика Каракалпакстан**

1. ООО «Тахиатош нефть базаси»

**Андижанская область**

2. ООО «Андижон нефть базаси»

**Бухарская область**

3. ООО «Бухоро нефть базаси»

**Джизакская область**

4. ООО «Жиззах нефть базаси»

**Кашкадарьинская область**

5. ООО «Қарши нефть базаси»

**Навоинская область**

6. ООО «Навой нефть базаси»

**Наманганская область**

7. ООО «Тўрақўргон нефть базаси»

**Самаркандская область**

8. ООО «Мароқанд нефть базаси»

**Сурхандарьинская область**  
9. ООО «Термиз нефть базаси»

**Сырдарьинская область**  
10. ООО «Гулистон нефть базаси»

**Ташкентская область**  
11. ООО «Кучлик нефть базаси»  
12. ООО «Пахта нефть базаси»  
13. ООО «Чинобод нефть базаси»

**Ферганская область**  
14. ООО «Фаргона нефть базаси»

**Хорезмская область**  
15. ООО «Урганч нефть базаси»;  
д) 2-илова ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 24 октябрдаги 870-сон қарорига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз қучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимини ва уларни сотишда ҳисоб-китоб килиш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил 19 майдаги 225-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 5-сон, 38-модда) 9-банди.
2. Вазирлар Маҳкамасининг “Этил спирти ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 12-сон, 68-модда) 3-иловаси I бўлими.
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республиканинг ёғ-мой тармоғини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 7 сентябрдаги ПҚ-1401-сон қарори) 2010 йил 4 ноябрдаги 243-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2010 й., 11-сон, 55-модда) иловасининг 1 ва 2-бандлари.
4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2015 йил 30 июндаги 173-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2015 йил, 6-сон, 52-модда).
5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзпахтасаноатэкспорт” холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида” 2015 йил 27 октябрдаги ПФ-4761-сон Фармони) 2015 йил 25 декабрдаги 372-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2015 й., 12-сон, 110-модда) иловасининг 1 ва 20-бандлари.

